



QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA



Фаолият сарҳисоб қилинди

Худудий Кенгашлар томонидан ўтказилган пленумларда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида ва 2023 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларнинг ижроси танқидий-таҳлилий руҳда кўриб чиқилди ҳамда 2024 йилда амалга оширилиши режалаштирилган устувор йўналишлар муҳокама этилиб, муҳим вазифалар белгилаб олинди.

2024 йилда уй-жой, қурилиш, коммунал хўжалиги, транспорт ва экология соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар*

@press_secretary_uz @press_secretary_uz @Press_Sec_Uz @PressSecretaryUZ

Автомобиль йўллари тизимида эскича ёндашувларга барҳам берилади:

- Йўл қурилишидаги 40 дан зиёд стандарт ва метёрлар Халқаро муҳандис-консултантлар федерацияси талабларига мослаштирилади.
- Йўл қурилиши лойиҳаларига махсус сертификатга эга муҳандис-консултантлар жалб қилинади.
- Ҳар бир вилоятда автомобиль сарқатнов бўлган камда 20 километрдан йўл эксплуатациясини хўсусий секторга бериш бўйича "тилот" лойиҳалар бошланади.
- Транспорт вазирлиги ўлчайдиган 30 та тарози ўрнатилади.

Жорий йилда:

1200 та автобус ва электробус олиб келиш режалаштирилган

Экология соҳасида:

- Жойларда экологик вазиятни яхшилаш бўйича ҳар бир туман ва шаҳарнинг "мастер-режа"си ишлаб чиқилади.
- Йил якунида ҳудуд ва тармоқларнинг экологик рейтингини ва экологик паспорти эълон қилиниб борилади.
- Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоят марказлари ҳамда саноатлашган 20 та туманда автоматик ҳаво мониторинги станциялари ўрнатилади.

Йил якунига қадар:

- 112 та йирик саноат корхонаси ва барча цемент ишлаб чиқарувчиларда замонавий чанг-газ тозалаш ускуналарини ўрнатиш ва эскиларини алмаштириш.
- Ҳавога чанг ташлаш даражаси юқори бўлган корхоналарда филтёрларни янгилаш чоралари кўрилади.

Йирик қурилиш материаллари, энергетика, металлургия корхоналари томонидан **5** гектардан "яшил белбоғ" яратилиб жами **10** млн. туп дарахт экиш ташкил этилади.

"Ноқонуний кесилган ҳар бир дарахт ўрнига 100 та кўчат экиш" тизими жорий қилинади; Оҳангаронда 23 гектар ва Янгийўлда 37 гектарда жойлашган собиқ чиқинди полигонлари ҳудудда "яшил боғлар" ташкил қилинади.

Келгуси беш йил давомида: Тошкент шаҳри ва унга туташ Тошкент вилояти туманларини тўлиқ яшиллик билан қоплаш мақсадида камда **3** минг гектар "яшил белбоғ" ва **200** гектар "яшил боғлар" ташкил қилинади.

Пойтахт кўчаларига атмосфера ҳавосининг сифат кўрсаткичини доимий эълон қилиб борадиган табло ва мониторлар ўрнатилади.

Пойтахтда оғир юк машиналари, 10 йилдан ошган автомобиллар ҳамда "Евро-4"дан паст ёнилқидан фойдаланишнинг экологияга таъсирини камайтириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилади.

"Яшил энергетика"ни кўллаб-қувватлаш, экологик муаммоларнинг олдини олиш ва зарарли оқибатларни камайтириш мақсадида аҳолини электромобилларга ўтишини рағбатлантириш тизими жорий қилинади.

*29.01.2024 йилдаги уй-жой, қурилиш, коммунал хўжалиги, транспорт ва экология соҳаларидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши юзасидан.

Матонат тимсолига айланган мардлар

...Мамлакатимизнинг тарихий қадриятга эга бўлган шаҳарларидан бирида "Қаҳрамонлар хиёбони" ташкил этилса, бу хиёбонда қаҳрамонларнинг ҳайкаллари ўрнатилиб, уларнинг қилган улуғвор ишлари ҳақида маълумотлар битилса, аини муддао бўларди. Чунки бугунги авлодлар улуғ аждодлари меросидан, миллат қаҳрамонлари тақдирдан тўла хабардор бўлишлари керак! Ҳаёт ҳақиқати ҳам шуни талаб қилади.

Газетамизнинг ўтган сонидан эълон қилинган шу сарлавҳали мақолада юртимизда электр энергияси ва газ ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш, очиқдан-очиқ ўғирлаш билан боғлиқ қонунбузарликлар сони ва кўлами йилдан-йилга жуда катта миқдорга ортиб бораётганини, бироқ фуқароларимиз бу иллатни кўра-била туриб ўзларини кўрмасликка, билмасликка олаётганликлари ҳақида сўз юритилган эди. Газета чоп этилганиданоқ ўқувчиларимиз мазкур мақолага нисбатан фавқуллодда жонкуярлик ва фаоллик билан ўз

муносабатларини билдира бошладилар. Биз қуйида таҳририятга келаётган, элдошларимизнинг залворли, ҳаяжонли фикр-мулоҳазалари, таклифлари билдирилган мактублардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз. Афсуски, муносабат акс этган барча мактубларни чоп этишга наشري-миз ҳажми имкон бермайди. Шубҳасиз, биз қолган фикр-мулоҳазалардан ҳам вақт-соати билан имкон даражасида фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

ТАҲРИРИЯТ

ҚАЧОНГАЧА ҲУҚУМАТДАН



НОЛИЙМИЗ?!

Сирдарё: 62 миллиард 488 миллион сўмлик газ ўғирлаган "шоввозлар"!

P.S.

ДХХ Сирдарё вилояти бўйича бошқармаси, Ички ишлар вазирлиги ҳамда "Ўзэнергоинспекция" ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган фаол тадбирда Бовнут туманидаги автомобилларга газ тўлдиришга ихтисослашган МЧЖ томонидан табиий газдан ноқонуний фойдаланганлик ҳолати аниқланди. Ўтказилган текширув жараёнида мазкур шохобча газ ҳисоблагич ускунасидан ташқари байпас линияси орқали табиий газга улашиб, уни миждларга сотиб келганлиги маълум бўлди. "Ўзэнергоинспекция"нинг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, табиий газ тармоғига ўзбошимчалик билан улашиб, 41 миллион 666 минг м³ газдан ноқонуний фойдаланиш натижасида МЧЖ томонидан давлат манфаатларига 62 миллиард 488 миллион сўм миқдорда зарар етказилган. Ҳозирда ҳолат юзасидан МЧЖ мансабдор шахслари ва бошқаларга нисбатан Жиноят Кодексининг 169-моддаси 4-қисми "а" банди билан жиноят иши кўзга тутилди, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Янги ланишлар даври

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова жорий йилнинг 1 февраль куни Нукус шаҳрида бўлиб, қорақалпоғистонлик партия фаоллари билан учрашув ўтказди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқорй Кенгеси ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши, ҳудуддаги шаҳар ва туман кенгашлари ходимлари, партия хайрихоҳлари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.



Учрашувда партия Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова ҳудудда партия дастурий вазифаларининг бажарилиши, лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида қилинаётган ишлар ҳолати билан яқиндан танишди. Йиғилишда партия аъзолари сафини кенгайтириш, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, кадрлар захирасини мустаҳкамлаш,

аъзолик бадаллари тушумини тизимли йўлга қўйиш, партия аъзоларининг сиёсий билимлари ҳамда фаоллигини ошириш ва бошқа устувор масалалар муҳокама қилинди.

"Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ҳамда ҳудуддаги партиянинг маҳаллий Кенгашлари ўтган даврдаги фаолияти давомида партия лойиҳалари асо-

сида қатор ижобий ишларни амалга оширди. Жумладан, "Адолат Сиёсий-ҳуқуқий ўқувлар куни" лойиҳаси доирасида партия лекторлари томонидан жами 249 мартаба сиёсий ўқувлар ташкил этилиб, бу тадбирларга 4418 нафар иштирокчи қамраб олинган. "Муаммо билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида эса партиянинг ишчи гуруҳи аъзолари томонидан



жами 251 та маҳаллада 2395 та ҳондон ва 220 та ҳўжалик юритувчи субъектлар ўрганилди. Мазкур ўрганишларда аҳоли томонидан 246 та мурожаат келиб тушиб, улар юзасидан 24 та мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилди. 148 та мурожаатлар мутасадди органларни жалб этиш орқали, 99 та мурожаатлар эса ҳуқуқий маслаҳатлар бериш орқали жойида ҳал этилди. Партиянинг "Бир ойда бир иш ўрни" лойиҳаси доирасида 86 та фуқаро ишга жойлаштирилди.

"Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова ўтган даврда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан партия танилувчанлигини ошириш ҳамда хайрихоҳлари сафини кенгайтириш борасида қилинган ишлар ва эришилаётган ютуқларни эътироф этар экан, йўл қўйилган айрим камчиликларга ҳам эътибор қаратиб, уларнинг ечимини бўйича аниқ таклифлар билдирди.

Ҳудуддаги партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари фаолияти ҳамда амалиётга татбиқ этилаётган партия лойиҳаларининг самарадорлигини таъминлаш, уларни оммавий ахборот воситалари, хусусан, катта аудиторияга эга бўлган ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб қилиш, партияга аъзолик бадали режасининг тўлиқ бажарилиши юзасидан вазифалар белгиланди.

Шунингдек, жорий йилда партия олдида турган улкан ва масъулиятли ташкилий-партиявий вазифалар, жумладан, партия кадрлари ва фаолларининг мақсадли ва самарали фаолият кўрсатишларини таъминлаш борасида тавсиялар берди.

Келгусида ижтимоий соҳага оид партия голярига сайловчиларнинг кенг қатлами кизиқтириш, аниқ ва социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг қўламли ижтимоий дастурларининг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлат гоясини қўллаб-қувватлаш, бунда, айниқса, партиянинг таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги голярига алоҳида аҳамият қаратиш кераклиги қайд этилди.

Куннинг иккинчи ярмида партия раҳбари Қораўзақ ва Тахтақўпир туманларида бўлиб, партия фаоллари билан учрашди.

Узаро очик мулоқот шаклидаги учрашуларда партия Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамят ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш, иқтидор ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш партия фаолларининг доимий диққат марказида бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтди.

Учрашуларда партия ҳамда ҳудудлардаги жамоатчилик фаолларининг фикр-мулоҳазалари эшитилиб, келгусида партия фаолиятини ривожлантиришга оид таклифлар билдирилди.

"Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудованин Қорақалпоғистон Республикасидаги партия фаоллари билан учрашулари давом этмоқда

Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

Фаолият сарҳисоб қилинди



1 Партия Тошкент шаҳар кенгашининг XII пленумида "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова иштирок этиб, ўтган даврда партиянинг дастурий вазифаларини амалга ошириш, унинг лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш, аъзолар сафини кенгайтириш, аъзолик бадаллари тушумини тизимли йўлга қўйиш ва тўлиқ таъминлаш ва бошқа устувор масалаларда Тошкент шаҳар кенгаши қатор ижобий натижаларни қайд этганлигини таъкидлаб ўтди.

Пленумда партия Тошкент шаҳар кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Унга қўра, 2023 йилда шаҳар кенгаши партия лойиҳаларини амалиётга самарали татбиқ этиш орқали ҳудуддаги аҳоли орасида партия танилувчанлигини оширишда сезиларли ютуқларга эришган. Жумладан, ўтган йилда партиянинг ижтимоий йўналишдаги гоё ва мақсадларидан келиб чиқиб, Сайловолди дастурида тиббиёт соҳасига алоҳида эътибор қаратилганлиги боис, шаҳар кенгаши томонидан ушбу йўналишда қатор тадбирлар ўтказилган.

Хусусан, ўтган йили шаҳар кенгаши ташаббускорлигида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни, 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни ҳамда 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 31 йиллиги муносабати билан 1 июнь ҳамда 1 декабрь кунлари Тошкент шаҳар қон преаратлари илмий ишлаб чиқариш корхонасида ва 13 декабрь куни Ички ишлар вазирлиги академиясида "Бор меҳримиз сенга, болажон!" шиори остида беғараз донорлик акциялари ўтказилган.

Тадбир давомида кўнгилли донорлардан жами 179 литр 500 грамм қон йиғилиб, бемор болажонларимиз ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилганлиги алоҳида таъкидланди.

Пленумда партия Сиёсий Кенгаши раиси томонидан партиянинг, жумладан, Тошкент шаҳар кенгашининг олдида турган келгусидаги долзарб масалалар, устувор вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Пленумда қайд этилганидек, партия-мизнинг жамятдаги нуфузи электорат манфаатларини қай даражада ҳимоя қилаётганимиз, жойлардаги муаммоларнинг ечимини юзасидан қандай самарадор ташаббуслар билан чиқаётганимизга қараб баҳоланади. Шу маънода "Адолат" СДП Пастдарғом туман кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари Феруз Тўраев ҳудудий кенгаш раисларини аҳоли муаммоларини жойида ҳал этишда партия депутатлари билан фаол ишлашга қачирди.



ганимизга қараб баҳоланади. Шу маънода "Адолат" СДП Пастдарғом туман кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари Феруз Тўраев ҳудудий кенгаш раисларини аҳоли муаммоларини жойида ҳал этишда партия депутатлари билан фаол ишлашга қачирди.



Фаргона вилояти кенгашининг XII пленумида ҳам вилоят кенгашининг ўтган йилдаги фаолияти атрофлича муҳокама қилиниб, келгуси ишлар юзасидан устувор мақсадларга эътибор қаратилди. Унда партия вилоят кенгаши раиси Шаҳноза Ганиева кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони, "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" Давлат дастури, партиянинг 2023 йилга мўлжалланган "Йўл харитаси" ҳамда "Адолат — ҳар бир инсон учун" Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросига йўналтирилганлигини қайд этиб ўтди.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган "Адолат" СДП Бухоро вилоят кенгашининг XI пленуми ҳам баҳс-мунозараларга бой бўлди. Жараёнда ўтган даврда белгиланган режадаги вазифаларнинг ижроси, уларни бажаришда эришилган таъжирба ҳамда йўл қўйилган камчиликлар хусусида сўз борди. Йўл қўйилган камчиликларнинг ечимини юзасидан қандай самарадор ташаббуслар билан чиқаётганимизга қараб баҳоланади.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган "Адолат" СДП Бухоро вилоят кенгашининг XI пленуми ҳам баҳс-мунозараларга бой бўлди. Жараёнда ўтган даврда белгиланган режадаги вазифаларнинг ижроси, уларни бажаришда эришилган таъжирба ҳамда йўл қўйилган камчиликлар хусусида сўз борди. Йўл қўйилган камчиликларнинг ечимини юзасидан қандай самарадор ташаббуслар билан чиқаётганимизга қараб баҳоланади.



Пленумда жорий йилдаги вазифаларга тўхталиниб, "Адолат" СДПнинг дастурий мақсад ва вазифалари халқчиллиги ва унинг нуфузини янада ошириш, электоратимиз манфаатларини кенгроқ ифодалаш учун катта имконият эканлиги таъкидланди. Партия олдида турган улкан ва масъулиятли ташкилий-партиявий вазифаларга барча кучларни сафарбар этиш таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги голярга устувор масала сифатида қараш, шу билан бирга хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамят ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш, иқтидор ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш каби масалаларга эътибор қаратилди.

лардан керакли хулоса чиқариб, келгусида уларни бартараф этиш, юқори самарадорликка эришиш юзасидан тавсиялар берилди. Шунингдек, 2023 йил давомида фаоллик кўрсатган туман-шаҳар кенгашлари раислари



партия вилоят кенгаши раиси Мақсуд Ҳамидов томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир якунида 2024 йилда амалга оширилиши режалаштирилган муҳим ташаббуслар белгиланганлиги.

Термиз шаҳридаги вилоят Касаба уюшмалари мажлислар залида Сурхондарё вилоят кенгашининг XVIII пленумида вилоят кенгашининг ўтган йилдаги фаолияти ҳамда жорий йилдаги вазифалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда қайд этилганидек, 2023 йилда халқ билан юзма-юз мулоқот ўрнатиш, барча даражадаги депутатлик корпуслари иштирокида жойларга қонунларнинг етиб бориши ва уларнинг ижросини ўрганиш юзаси-

дан салмоқли ишлар қилинди ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли давлат органларига таклифлар, депутатлик сўровларини киритиш орқали қонун устуворлигини таъминлашга эришилди.



Пленумда жорий йилдаги вазифаларга тўхталиниб, "Адолат" СДПнинг дастурий мақсад ва вазифалари халқчиллиги ва унинг нуфузини янада ошириш, электоратимиз манфаатларини кенгроқ ифодалаш учун катта имконият эканлиги таъкидланди. Партия олдида турган улкан ва масъулиятли ташкилий-партиявий вазифаларга барча кучларни сафарбар этиш таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги голярга устувор масала сифатида қараш, шу билан бирга хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамят ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш, иқтидор ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Тадбир якунида 2024 йилда амалга оширилиши режалаштирилган муҳим ташаббуслар белгиланганлиги.

Термиз шаҳридаги вилоят Касаба уюшмалари мажлислар залида Сурхондарё вилоят кенгашининг XVIII пленумида вилоят кенгашининг ўтган йилдаги фаолияти ҳамда жорий йилдаги вазифалари муҳокама қилинди. Йиғилишда қайд этилганидек, 2023 йилда халқ билан юзма-юз мулоқот ўрнатиш, барча даражадаги депутатлик корпуслари иштирокида жойларга қонунларнинг етиб бориши ва уларнинг ижросини ўрганиш юзаси-

Шунингдек, Қашқадарё, Сирдарё, Андижон, Наманган, Жиззах, Навоий, Хоразм ҳамда Тошкент вилоятларида ҳам партия ҳудудий кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтди.

"Адолат" СДП Матбуот хизмати

МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА

Янги Ўзбекистонда инсон кадрини узлуглаш борасида катта ишлар амалга ошириляпти. Зеро, амалга ошириляётган барча ислохотлар замирида юртдошларимиз ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдек олий кадрият мужжасам.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам жойларда аҳоли билан мулоқотга киришиб, одамларнинг оғирини енгил қилиш чораларини кўришмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг давлат ва жамиятга бўлган ишончини янада мустаҳкамляпти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Махфурат Хушвақтованинг Муборак тумани аҳолиси билан учрашувларида ечимини кутаётган кўпгина масалалар ҳал қилиниши белгилянди.

Депутат Қарлиқ Қишлоғи аҳолиси билан учрашганида фуқаро Ойжамол Бердишукурова уй-жой масаласида келишмовчиликлар юзага келаётганлиги юзасидан мурожаат қилди ва амалий ёрдам сўради. Унинг мурожаати шу ернинг ўзида мутасаддилар иштирокида бартараф этилди. Бундан ташқари, фуқаролар Қарлиқ қишлоғида бўш турган биноларни мослаштириб, болалар боғчаси сифатида фойдаланишга тегишли ташкилотлар руҳсат бермаётганлигидан шикоят қилишди. Депутат бу масалани ижобий ҳал этиш юзасидан тегишли масъул ташкилотлар раҳбарларига кўрсатмалар берди. Шунингдек, қишлоқ одамлари касб-хунар мактабини ташкил этишга ҳам кўмак сўрашди.

Хужамуборак қишлоғи ҳудудидаги 815 та хонадонда 4 660 нафар аҳоли истиқомат қилади. Депутат билан жонли мулоқотга киришган фуқаролар уйларда табиий газ муаммо бўлаётганлигидан норози эканлигини айтишди. Махфурат Хушвақтова бу муаммони тегишли тартибда ҳал қилишини билдирди.

Ёқуб АМИРҚУЛОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ёрдамчиси



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Абдуғани Умиров аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, чекка қишлоқларда яшаётган фуқаролар ҳолдан хабар олиш, муаммоларини жойида ҳал этиш мақсадида Нишон тумани фуқаролари билан учрашди.

Дастлаб "Юксалиш" МФЙ ҳудудига қарашли Ёшлик кўчасидаги кўп қаватли уйларда яшаётган одамлар билан мулоқотда канализация тизими ишламаслиги, ноқонуний қурилиш ишларидан сўнг қолиб кетган чиқиндилар "Тоза ҳудуд" ДУК томонидан вақтида ташиб кетилмаётгани юзасидан мурожаатлар бўлди. Депутат аҳолини ташвишлантириб келаётган муаммоларни атрофлича ўрганиди ва туман миқёсида ҳал қилиш учун мутасаддиларга топшириқ берди.

Жўра бобо Қодиров "Навбахор" МФЙда умргузаронлик қилади. Отаҳон бир-бирига яқин "Юксалиш" ва "Навбахор" МФЙ ларини боғлаб турадиган йўналишда кўприк қуриб бериш масаласида депутатга юзланди. Абдуғани Умиров ушбу масала ечими юзасидан туман ҳокимлиги мутасаддилари билан маслаҳатлашди ва муаммо дастурга кириштиладиган бўлди.

Шоҳжаҳон МЕЙЛИЕВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ёрдамчиси



Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Наманган вилоятидан сайланган депутатлар ўз сайлов округлари ҳудудларида бўлиб, жойларда ўрганишлар олиб бормоқда ва аҳоли билан мулоқотга киришмоқда.

Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" социал демократик партияси фракцияси аъзоси Дилмурод Исмоилов Наманган шаҳрининг Янги Наманган туманидаги қатор маҳаллалар, умумтаълим мактаблари ва тиббиёт муассасаларида бўлиб, соҳа ходимлари ҳамда фуқаролар билан мулоқот ўтказди.

Халқ ноибни даставвал вилоят марказидан 20 километр олис манзилда жойлашган "Бунёқдор" маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти билан танишиб, ёшлар етакчиси Азизбек Қаҳҳоров билан ёш авлод ҳаётига боғлиқ масалалар ҳақида суҳбатлашди.

Маҳалла ҳудуди кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида обод ва кўркам қиёфага кирди. Бироқ аҳоли билан суҳбатлашилганда, ичимлик суви ва суюлтирилган газ етказиб бериш, йўловчи ташвиш транспортлари қатнови, чиқиндиларни ташиб кетишда биров муаммолар борлиги маълум бўлди.

Бундан 36 йил аввал қурилган 65-сонли умумтаълим мактаби лойиҳа бўйича 900 ўринга мўлжалланган бўлса-да, айтиш пайтда бу билан масканда икки ҳисса кўп, яъни 1 минг 800 нафардан зиёд ўқувчи ўқияпти. Аксарият болалар 5-6 километр масофадан қатнайди. Илим масканда жисмоний тарбия ва спорт дарслари ўтилиши учун шароит етарли эмас. Чунки қишки спорт хонаси тор. Мактаб ҳовлисида бунёд этилган спорт майдончаси талабга жавоб бермайди. Атрофи симтўр билан ўралган. Бу болаларнинг футбол ва бошқа спорт турлари билан шуғулланиши учун хавф туғдиради. Мактаб чиқинди тўплаш ҳудуди анча вақтдан бери тозаланмаган. Афтадан "Тоза ҳудуд" корхонаси масъуллари ўз вазифаларини унутиб қўйганга ўхшайди.

Маҳаллада аҳолининг мушуқлини осон қиладиган тижорат банкларига қарашли банкот, электрон шаклда тўловларни амалга оширадиган шо-



хобчалар йўқ. Нақд пул ечиш учун одамлар шаҳар марказига бориб-келишга мажбур. Бунинг устига дори-хона ҳам йўқ.

"Мустақилликнинг ўн йиллиги" кўчасида яшовчи хонадонлар сим-ёғоч ўрнатилмаганлиги сабабли электр токи симларини чувалаштириб, қўлбола ёғочлар ёрдамида тортиб олишган.

Депутат Янги Наманган тумани тиббиёт бирлашмаси марказий поликлиникасининг "Бўстон" филиалида бўлиб, яратилган шароитлар билан танишди. Мазкур филиал замонавий кўринишда бунёд этилган бўлса-да, алақачон бинонинг айрим хоналари яроқсиз ҳолга келиб қолган. Шунингдек, мутахассислар етишмайди. Тиббий жиҳозлар билан тўла таъминланмаган. 180 беморга мўлжалланган бўлишига қарамай, яқин атрофдаги ўн бир минг аҳоли дардига шифо излаб шу ерга келади. Мулоқот давомида поликлиника замонавий компьютер билан таъминланмаганлиги маълум бўлган, депутат шахсий компьютерини тиббиёт ходимларига совға тариқасида топширди.

Шунингдек, Дилмурод Исмоилов "Мустақилликнинг беш йиллиги" маҳалласи аҳлининг яшаш тарзи би-

лан ҳам танишди. 6 мингдан ошдиқ фуқаро истиқомат қилувчи ушбу маҳаллада аҳолини иш билан таъминлаш, тиббий хизмат, банк, транспорт, мактаб, ичимлик суви, газ ва чиқиндилар, томорқаларни сўғориш билан боғлиқ муаммолар борлиги кўзга ташланди.

Бундан ташқари, депутат Давлат-обод туманидаги "Халқлар дўстлиги" маҳалласи фуқаролари билан ҳам учрашиб, улар томонидан кўтарилган мазкур ҳудуддаги муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилишини айтди.

Дилмурод Исмоилов ўрганиш ва мулоқотлар давомида аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш борасида Янги Наманган ва Давлатобод туманлари ҳокимликлари ҳамда вилоят миқёсидаги мутасадди ташкилотлар раҳбарларига мурожаат этишини билдирди.

Дарвоқе, ўрганишда аниқланган долзарб муаммолардан бири – банкот масаласи Наманган шаҳар ҳокимининг амалий кўмағида ижобий ҳал қилинди. Қолган бир қатор жиддий муаммоларга ҳам тегишли мутасаддилар эътибор қаратишса, айтиш мумкин бўларди.

Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати

Давлат дастурлари ижросини таъминлаш ва қонунчилигимизга кiritиляётган ўзгаришларни халқимизга етказишда сиёсий партиялар ва маҳаллий кенгаш депутатларининг ўрни катта. Шу маънода, "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида белгилянган устувор мақсад ва вазифаларини жамоатчилик орасида тарғиб қилиш долзарб вазифаларимиздан биридир. "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши фаоллари бу борада қандай иш олиб бормоқда? Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Мавлуда Адхамжоновна партия фаоллари билан ўтказилган давра суҳбатида иштирокчилар олдида айтиш мумкин бўлди.

– Фаолиятимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратамиз, – дейди "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари Малоҳатхон Мусаева. – Қабул қилинаётган давлат дастурлари халқимиз хоҳиш-иродасини ифода-лаш, давлат сиёсатини амалга оширишда ўз ўрнига эга. Жумладан, "Ўзбекистон – 2030" стратегиясидан ўрин олган 5 та устувор йўналиш ҳамда 100 та мақсадни амалга оширишда биз олдинги сафда боришимиз зарур. Бу борада амалга ошириляётган ишларни таҳлил қилишимиз ва жамоатчилик назоратини олиб бориш мақсада мувофиқдир.



– "Ўзбекистон-2030" стратегиясининг 79-мақсади Янги Ўзбекистонни барпо этишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада оширишга қаратилган, – дея таъкидлаб ўтди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Адхамжоновна ўз маърузасида. – Шундан келиб чиқиб, андижонлик "адолатчилар" янада фаоллик билан иш олиб бораётганини қувонарли. Жамоатчилик орасида чуқур кириб бориб, улар томонидан давлатимизнинг бугунги сиёсати тарғиб қилинмоқда. Натижада фуқароларда партияимизга бўлган ишонч ортмоқда.

Тадбир давомида сайлов қонунчилиги ва жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик, партия етакчилари олдида турган вазифалар хусусида ҳам фикр алмашилди.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Жонибекова халқ билан очик мулоқот қилиш мақсадида Сирдарё вилоятида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди.



Хусусан, Янгиер педагогика коллежида бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида юртимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, таълим тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш бўйича амалга оширилган ислохотлар ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, депутат ҳудуддаги учрашувлари давомида Янгиер шаҳридаги "EURASIAN INDUSTRIAL UNION" МЧЖда бўлиб, корхона томонидан "Пеностилитрол асосида плинтуслар" ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди.

Мазкур корхона 2020 йилда ташкил этилган бўлиб, айтиш пайтда бу ерда 50 нафар ишчи ходим меҳнат қилмоқда. Корхона ўтган йили хорижга 30 минг долларлик маҳсулот экспорт қилган.

Мазкур учрашувлар давомида депутат тумандаги маҳалла ва гузарларда бўлиб, одамларни ўйлантириб келаётган масалаларни ўрганди. Ҳар бир фуқаронинг мурожаатини тинглаб, уларни бартараф этиш чораларини кўрди.

– Ҳозирги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифа, бу аҳоли орасида чуқурроқ кириб бориш, жойлардаги ижтимоий масалаларга ижобий ечим топишда фаол иштирок этишдан иборат, – дейди депутат Н.Жонибекова. – Албатта, бу жараёнда одамларни ўйлантираётган масалаларга ижобий ечим топишимиз, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фаол иштирок этишимиз керак.

Сирдарё вилоят кенгаши матбуот хизмати



Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишни назорат қилиш "Адолат" СДПнинг вазифаларидан бири. Шундан келиб чиқиб тиббиёт ходимларининг масъулиятини кучайтириш, аҳолини сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш, фуқароларнинг тиббий маданиятини юксалтиришга партия фаоллари томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аъзоларининг катта қисмини тиббиёт ходимлари ташкил этадиган "Адолат" СДП Пастдарғом туман кенгаши томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Музафара Абдиева иштирокида туман тиббиёт бирлашмасида айтиш мумкин бўлган бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиқувчилар томонидан соҳадаги ютуқлар, муаммо ва уларнинг ечимлари тўғрисида таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Депутат Музафара Абдиева ҳар бир таклиф ва мурожаат, албатта, инобатга олинишини алоҳида қайд этиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек, тумандаги "Гўзалкент" туғриқ массивида ташкил этилган тиббий кўриқда ҳам иштирок этиб, фуқаролар билан учрашди, уларнинг мурожаатларини тинглади.

Туман тиббиёт бирлашмасида ўтказилган учрашувларда депутат тиббиёт ходимларининг фаолияти билан яқиндан танишди. Учрашув давомида соғлиқни сақлаш ходимларига тиббиётга оид қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида маълумотлар берилди, уларнинг бугун жамиятимизда тутаётган мавқеи юзасидан кўплаб таклиф ва мурожаатлар тингланди.

Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати

